



## ОИЛА МАЪНАВИЯТИ

*Чирчиқ шаҳар 1-техникум ўқитувчиси:*

**Ф.О.Расулова**

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳаётимизда муҳим ўрин тутадиган тарбия ва маънавият ўчоғи ҳисобланадиган оила, оилада ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, эр-хотиннинг бир-бирларига ўзаро муносабати каби фикрлари баён этилади.

### КАЛИТ СЎЗЛАР:

Оила, тарбия, маънавият маскани, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, оилавий анъаналар, меҳнат, жамият, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, муҳаббат, бола тарбиясида маъсулият, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик.

### Оила –тарбия ўчоғи, маънавият маскани:

Ҳар бир инсон дунёга келганида у бир оиланинг бағрида туғилади, вояга етади, биринчи қадамларини ташлайди ва дастлабки фикрлари оила бағрида шаклланди.

Маълумки, оила асрлар давомида тарбия маскани бўлиб келган. Унда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар шаклланган, аجدодлардан авлодларга ўтган. Бу сифатлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан бола хулқи, хатти-ҳаракатига сингиб борган.

Шарқ халқлари тарихида оила муқаддас маскан ҳисобланади. Унинг обрўйи ва шаъни учун эр ва хотин баробар жавобгар ҳисобланадилар.



Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки давлат аҳамиятига молик масаладир. Бу 130 дан ортик миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган Ватанимизда туғилиб ўсган, томир ёйган барча халқлар учун бирдай эзгу мурод-мақсад бўлиб қолган. Ана шу жараёнда миллий ва умуминсоний кадриятлар, шаклланиб келаётган янги удумлар бирлашиб, тарбиянинг қудратли омилига айланган. Маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш жараёнида оила, давлат ва жамиятнинг муштарак мақсади бўлмиш комил инсон шахси вужудга келади ва такомиллашади. Бу даврда ота-оналар, устозлар, маҳалла-қўй болалар тарбияси билан биргаликда шуғулланишлари лозим бўлади. Уларнинг саломатлигига ҳам алоҳида диққат-эътибор зарур. Ҳар бир халқ, ҳар бир авлоднинг баркамоллик даражаси пировард натижада шу юрт, шу халқнинг истиқболини, тақдирини ҳал этади. Маънавияти юксак инсонгина Ватанимизнинг буюк келажаги учун самарали ва фидойи меҳнат қилишга ўзида куч ва қудрат топа олади.

Оила, мактаб, маҳалла - тарбия масканларидир. Ота-она бағрида дунёқараши шаклланаётган бола мактабга борганида устоз тарбияси ва берадиган билими ҳам унга кўмакдош бўлади. Маҳаллага келсак- унинг аҳамияти жуда катта, чунки “Бир болага етти қўшни ота-она” деган халқ мақолини мисол келтирадиган бўлсак бир оилада ўсиб келаётган болага ўз маҳалласида кўпчиликнинг жавобгар эканлигини тушуниб етилади.

Инсоннинг маънавий жиҳатдан камол топишида оила муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади ва ўзини аямайди.



Аллоҳ инсон зотини яратибдики унга ҳаёт деб аталмиш бебаҳо неъматни тортиқ қилди. Унинг бахтини янада тўқис бўлиши учун эса фарзанд деб аталмиш яна бир тухфани ҳадя этди. Эр-хотин ўртасидаги никоҳ фарзанд туфайли янада мустаҳкамланди. Натижада оила деб аталмиш муқаддас кўрғон вужудга келди.

Маълумки, халқимизда оила ва қариндошлик муносабатлари маънавий кадрларнинг муҳим манбаи саналади. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидалари бўлиб келган.

Бу ҳол ахлоқий муносабатларда ўз ифодасини топади. Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар боланинг нафсониятига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама-якка суҳбатда бўлиш унга насиҳат қилишдир.

Буюк алломалар оила хусусида қуйдаги фирларни билдирадилар:

**Ибн Сино:** Болада ахлоқий хусусиятларни меҳнат, жисмоний ақлий тарбия билан узвий тарбия билан узвий бирликда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб ҳисоблайди.

**Юсуф Хос Хожиб:** ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб камол топмоғи керак. Бунинг учун у туғилган кундан бошлаб зарур тарбияни олмоғи лозим.

Албатта бу гапларнинг нақадар тўғри эканлигини бугунги кун жамияти ҳам исботлаб турибди. Фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи шарт. Шундагина уларнинг ноўрин ҳатти-харакатларга берилишининг олди олинган бўлади. Оила ижтимоий ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини, тарбиянинг узлуксизлигини таъминлайдиган, келажак насл қандай бўлиб етишишига ўз таъсирини кўрсатадиган ижтимоий макон ва педагогик омил вазифасини ўтайди. Оила муҳаббат, ҳурмат,



биродарлик ва меҳрибонлик манбаи. Айнан шу кадрятларга ҳар бир ривожланган жамият суянади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблиясининг 1993-йил 20-сентябрдаги ялпи йиғилишида 1994-йилдан бошлаб 15-майни “**Халқаро оила куни**” сифатида нишонлашга келишилганлигини ўзи ҳам бу масалани халқаро миқёсда қанчалик долзарб эканлигидан далолат бериб турибди.

### **Хўш оиладаги фарзанд тарбиясига ким маъсул?**

Албатта ота она. Афсуски жамиятимизда шундай оилалар ҳам мавжудки, унда ота оналарнинг ўзлари тарбияга мухтож.

Эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан ҳурматсизлиги дейсизми, ичкиликбозликка ружу қўйган ота ёки оналарни айтамызми, ёки пул топиш илинжида фарзанд тарбиясини беетибор қолдирган оилалардаги муҳитни айтамызми? Бундан бошқа кўплаб ножўя сабабларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бундай оилаларда бола тарбияни кимдан олади, кимдан ўрнак олади?

Аксарият ҳолларда бундай вазиятларга тушган оила фарзандлари кўча тарбиясини олишади. Оқибатда турли хил иллатларга эгри йўлларга кириб қолишади. Халқимизда авлоддан авлодга ўтиб келаётган бир нақл бор: Қуш инида кўрганини қилади.

Муқаддас динимиз бўлган исломда ҳам никоҳнинг муқаддаслиги, отанинг фарзанд, фарзанднинг эса ота она олдидаги бурчлари айтиб ўтилган.

Оиладаги тарбияни амалга оширишда аёл кишининг ўрни беқиёс бўлиб ҳисобланади. Чунки эркак киши аксарият вақтини иш билан кўчада ўтказди. Ўғил бола тарбиясида ота албатта ўғли учун намуна бўла оладиган шахс бўлиб гавдаланмоғи лозим.



Барча даврларда ҳам давлат ва жамият ғамхўрлиги оилаларнинг мустаҳкамлиги оилаларнинг тинчлигига асос бўлган. Шу боисдан мамлакатимизда 2012-йил “Мустаҳкам оила йили”, 2016-йил “Соғлом бола ва она йили” деб эълон қилинганлиги ҳамда Республикамизда оила институтини мустаҳкамлаш концепсияси қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.06.2018-йилдаги ПҚ-3808-сон қарори билан унинг устувор вазифалари ва амалга ошириш бўйича чора тadbирлар тасдиқланиши, шунингдек, 2019-йилдан бошлаб ҳар йили 15-майда мамлакатимизда “Халқаро оила куни” нишонланиши давлатимиздаги оилавий муҳит ва уни мустаҳкамлаш учун қилинаётган амалдаги саъи ҳаракатларнинг яққол намунасидир.

#### Адабиётлар:

1. С.Носирхўжаев, М.Лафасов, М.Зарипов: “Маънавият асослари”. Тошкент, “Фан”-2002.
2. Абдусайдов А. «Диншунослик асослари». Т,1995 й.
3. А.Авлоний: “Туркий Гулистон ёки ахлоқ”.
4. Газета:”Таълим”.30 август 2019й.